

## Бақара 277 оят

22:48 / 31.05.2017 3088

مَيِّحًا لِّلْمُتَّقِينَ الَّذِي جَاء بِالنُّورِ

مُؤْتِي النُّورِ وَالَّذِي هُوَ يُخْرِجُ النُّورَ  
وَالَّذِي هُوَ يُخْرِجُ النُّورَ

**Бақара 277. Албатта, иймон келтирган, солиҳ амалларни қилган, намозни тўқис адо этиб, закотни берганларнинг ажрлари Робблари ҳузуридадир. Уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар.**

Ҳақиқий иймон эгаси бўлган кишилар доимо яхши амалларни қиладилар, хусусан, намозни вақтида яхшилаб адо этадилар. Иқтисодий соҳада эса закот берадилар. Рибохўрлар одамларнинг пешона терлари билан топган даромадларини ҳаром йўл билан ўзлаштириб олаётган бўлсалар, мўминлар ўзлари пешона тери билан топган ҳалол молларидан закот чиқариб, одамларга шундай, еб кетарга берадилар. Қайтариб олиш ёки ўрнига бошқа нарса олиш умидлари ҳам йўқ. Уларнинг бирдан-бир умидлари

**«Албатта, иймон келтирган, солиҳ амалларни қилган, намозни тўқис адо этиб, закотни берганларнинг ажрлари Робблари ҳузуридадир»** деган ваъдадандир. Улар икки дунёда эминлик ва бахт-саодатда бўлуриллар. Чунки

«Уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар».